



## МУЛЬТИКУЛЬТУРАЛИЗМ ВА УНИНГ ЕВРОПАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

**Азизова Мадина Акбар қизи**

*Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети*

*Магистратура бўлими,*

*Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши 2 босқич талабаси*

**Email: [madinayu07@gmail.com](mailto:madinayu07@gmail.com)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада мультикультурализм тушунчаси, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда унинг тутган ўрни таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мультикультурализм сиёсатининг моҳияти очиб берилиб, жамият ривожисида толерантлик, бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти Farbii Европа мамлакатлари мисолида тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** мультикультурализм, маданий трансформация, толерантлик, бағрикенглик, ўзига хослик, турфа хиллик, ижтимоий сиёсат.

**Аннотация.** В данной статье анализируется понятие мультикультурализма, его роль в общественно-политических процессах в странах Европы. Автором раскрыта сущность политики мультикультурализма, а также исследовано значение принципов толерантности в развитии общества на примере западноевропейских стран.

**Ключевые слова:** мультикультурализм, культурная трансформация, толерантность, идентичность, разнообразие, социальная политика.

Бутун дунёда кечётган ижтимоий жараёнлар, маданиятлар қоришуви давлатларнинг ижтимоий барқарорлигига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Айниқса, глобализация ҳамда иммиграцион жараёнлар кучайган бугунги даврда турфа маданиятларнинг ўзаро қоришуви, бир сўз билан айтганда мультикультурализм ҳодисаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Мультикультурализм ғояси турли ижтимоий гуруҳлар ва жамиятларнинг маданий анъаналарига тоқат қилиш, давлат қонунчилигига барча ирқ ва дин вакиллари учун тенг хуқуқларни таъминлашда намоён бўлади. Плюрализм, диний ва ирқий толерантлик таъминланган ҳамда миллатлараро муносабатларда ижобий натижага эришган кўпгина давлатларда ижтимоий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт юксак даражада ривожланганини кўриш мумкин. Хусусан, Farbii Европа давлатлари: Буюк Британия, Германия, Франция, Нидерландия ва бошқа шу каби мамлакатлар мультикультурализм сиёсатида улкан натижаларга эришганини кўриш мумкин.

Мультикультурализм тушунчаси фан обьекти сифатида ўрганила бошланганига ҳали кўп вақт ўтмади. "Мултикультурализм" атамаси илк бор 1960 йили Канада бошқарув тизимидағи инглиз ва француз маданияти (тили)



қарама-қаршилиги натижасида муракабликка сабаб бўлаётган вазиятни тартибга солиш жараёнида қўлланилиб, 1971 йили фанда расмий жиҳатдан илмий-сиёсий эътироф этилади (1, Б.15.).

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, аниқроғи иккинчи жаҳон урушидан сўнг турли мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар янада ривожланди. Бу Ғарбий Европа давлатлари га миллионлаб иммигрантларнинг кўчиб келиши билан боғлиқ эди. Турли миллатлар ва динга (асосан мусулмон) эътиқод қилувчи муҳожирларнинг Европага кириб келиши бу қитъадаги давлатларнинг сиёсий стратегияларида ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Мазкур сиёсий стратегиялар интеграцион жараёнлардаги масалаларга урғу бермасада, ижтимоий таъминот, меҳнат бозори ва маданий сиёсатда алоҳида ёндашувлар зарурлигини намоён этди ҳамда фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликда акс эттирилди (2).

Илк бор мультикультуализм сиёсати Канада, Австралия, кейинроқ Америка қўшма штатлари ва бошқа Ғарб давлатларида юритила бошланди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири ушбу ривожланган давлатларга оқиб келувчи иммигрантлар омили билан боғлиқ эди. Ушбу давлатларга иммиграция қилганлар маданияти ўзлари кўчиб келган жамият маданиятига қоришиб кетди ҳамда ўзига хослигини йўқотди (3, С.75). Демак, мультикультурализм сиёсатидаги энг муҳим омиллардан бири бу иммиграция. Мисол учун Францияда Африка қитъасидан келадиган муҳожирлар ҳамда араб миллатига мансуб мусулмонлар диаспорасининг ортиб бориши уни Ғарбий Европадаги етакчи мультикультур давлатга айлантириди. Худди шундай ҳолатни Германияда ҳам кузатиш мумкин. Таҳлиллар кўрсатадики, учинчи дунё давлатлари аҳолисининг фаровон ҳаёт, моддий бойлик истаб ривожланган давлатларга келиши уларнинг маданий ўзига хослигига таъсир қиласи яъни маданий трансформация жараёни юз беради. Иккинчи томондан, мазкур трансформация жараёнида кўчиб борган миллатлар ҳам ўзининг маданиятини сақлаб қолишга, ривожлантиришга ҳамда кенг ёйишга ҳаракат қиласи. Натижада, маданиятлар ўртасида тўқнашув юзага келади.

Кейинги пайтларда этник ўзига хосликни намоён этишнинг хуқуқий ва сиёсий жиҳатлари сиёсатчилар, социологлар, тарихчилар томонидан кўп бора тилга олинмоқда. Сиёсатчиларнинг мультикультурализм ривожи ва инқирози хусусида турли қарашлари шаклланмоқда. 2011 йилда Франция президенти Никола Саркози мультикультурализмнинг мувафақиятсизликка учраганини тан олган эди. Унинг фикрича, Францияга келадиганлар француз маданиятининг бир бўлагига айланиши лозим. Акс ҳолда бундай “меҳмонлар” хуш кўрилмаслигини таъкидлаган (4).

Канадалик сиёсий файласуф Уилл Кимлик ўзининг “Multiculturalism: Success, Failure, and the Future” мультикультурализмнинг икки даврини ажратиб кўрсатади. Хусусан, 1970 йилдан 1990 йилларнинг ўрталаригача Ғарбдаги



демократик давлатларда мультикультурализм сиёсати кенг эътироф этилгани, айрим давлатларда у сиёсатнинг асосий йўналишларидан бирига айланганини таъкидланади. Шунингдек, XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб эса мультикультурализмга нисбатан салбий қарашлар шакллангани ва ундан узоқлашув жараёни кучайгани урғуланган. Мультикультурализм ўрнига миллий тикланиш, умумий қадриятлар ва идентиклик (ўзига хослик)ка интилиш, унитар фуқаролик ва ҳатто ассимиляциядан қайтариш ғоялари кучайгани маълум қилинган (5, Р.4).

Хулоса қилиб айтганда мультикультурализм сиёсатининг юзага келиши ва шаклланишида анъанавий миграция жараёни муҳим роль ўйнади. Мигрантларнинг ўз иқтисодий аҳволини ўнглаш мақсадида нисбатан бойроқ давлатларга кўчиб келиши турли мамлакатларнинг маданий ва этник сиёсатида ҳамда фуқаролик қонунчилигидаг ўзгаришларга сабаб бўлди. Бугунги кунда ҳам мультикультурализм моҳиятини ёритишда иқтисодий мотив муҳим ўрин тутмоқда.

Иккинчи томондан, Европа давлатларига кўчиб келган мигрантлар ўзларининг маданияти ва қадриятларини олиб киришга, тарғиб қилишга ҳаракат қилмоқда. Натижада маданиятлар хилма-хиллиги юзага келмоқда. Айрим давлатлар ўзининг этник ва маданий яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида “келгинди” маданиятларга нисбатан тоқатсизлик кайфиятини ҳам кўрсатмоқдалар. Шу сабаб, мультикультурализмга нисбатан ижобий қараш билан бир қаторда салбий хусусиятлар ҳам ўртага чиқмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хайдаров А. Мультикультурализм замонавий жамиятда миллий маданиятлар трасформациясининг назарий-методологик асоси сифатида // Ижтимоий тадқиқотлар журнали. 2022. №2.
2. Terri E. Givens. Immigrant Integration in Europe: Empirical Research // <https://doi.org/10.1146/annurev.polisci.9.062404.162347>
3. Пинаев П., Яцкевич Ю. Мультикультурализм в странах Западной Европы: причины неудачи. // Вестник Пермского университета. 2015. Выпуск 2 (22).
4. <https://lenta.ru/news/2011/02/11/fail/>
5. Will Kymlicka. Multiculturalism: Success, Failure, and the Future. 2012, Washington DC.
6. Shokhjahon T.Rashidov, Drawings of Amin Niyozov's political portrait. 2020, vol. 8, issue 3, pp.65-71.